

ОРИФА АЁЛЛАР ТАВСИФИ ҲАЗРАТ НАВОЙЙ ТАЛҚИНИДА

Ф.ф.д. Юнусова Г.С.

Истамова Г.Х.

БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “Насойим ул-мухаббат” тазкирасида орифа аёллар тўғрисидаги Абдулқодир Гилоний билан боғлиқ нақлар талқин ва таҳлил қилинган, авлиё зотларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, кашфу кароматлари хусусида фикр юритилган.

Калим сўзлар: тазкира, нақл, тарикат, кашф, каромат, валий, ориф, зоҳир, ботин.

АННОТАЦИЯ

В данной статье интерпретируются и анализируются повествования мудрецов об Абдулкадире Гилани в комментарии «Насаим уль-мухаббат», рассматривается духовная взаимозависимость святых, а также пророчества открытия.

Ключевые слова: тазкира, нақл, тарикат, кашф, каромат, вали, ариф, захир, ботин.

ABSTRACT

This article interprets and analyzes the narrations of wise women about Abdulkadir Gilani in the commentary "Nasayim ul-muhabbat", discusses the spiritual interdependence of saints, as well as the prophecies of the discovery.

Keywords: tazkira, naql, tariqat, kashf, karomat, waliy, arif, zahir, botin.

КИРИШ

“Насойим ул-мухаббат”да 770 нафар авлиё ва ориф зотларнинг ҳол, мақом, мартабалари зикр қилинган. Маълумки, маърифат ва фано тушунчалари бир-бирини тақозо қиласди, солик фано ҳолатига етгач, барча тўсиқлар бартараф бўлиб, унга маърифат сирлари очиласди. Моддий олам билан боғлиқ нарсаларни ўрганишда илм ва ақл зарур, аммо тафсилий билиш жараённида далил исбот билан эмас, ҳиссий билиш орқали фанога эришади. Файласуф Г.Наврӯзованинг таъкидлашича: “Бу ирфоний жараёнда ақл эмас, руҳий билиш, қалб қўзи

асосий ўринни эгаллайди. Бу “кўз” билан ғайб олами сирларини кўриб бўлади”¹

“Фавс ул-аъзам”, “Кутби Раббоний”, “Пири дастгир” номи билан машхур бўлган Сайид Мухйиддин Абдулқодир ал-Гилоний ҳаёти, кароматлари тўғрисида хабар берувчи қўплаб манбалар мавжуд. Унинг “Муҳий” тахаллуси билан форс тилида ёзилган девони² ва бошқа асарлари³ ўзбек тилига таржима қилинган. Шунингдек, бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Булар орасида мисрлик олим Юсуф Зайдоннинг “Девони Абдулқодир ал-Жийлоний” номли тадқиқоти ҳам бор.

Абдулқодир ал-Гилоний (ал-Жилоний) (ваф. 1166 й.) таъсис этган қодирия тариқати дастлабки тариқатлардан бири бўлиб, XII-XIV асрларда тасаввуфдаги асосий 12 тариқат (рифоия, яссавия, шозилия, сухравардия, чиштия, кубравия, бадавия, қодирия, мавлавия, бектошия, халватия, нақшбандия)дан бири саналади. Мазкур тариқат аъзолари турли ижтимоий табакага мансуб бўлиб, улар жамоа бўлиб (самоъ, хадра), овоз чиқармасдан алоҳида (зикри хафий) ҳолда ҳамда баланд овозда умумий (зикри жалий) зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошқалардан ажралиб туриш учун ўзларига хос кийинишган. Бошларидаги кигиз телпакчада қодирийларнинг тимсоли – уч қатор гулбаргли яшил гул бўлган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон камолоти масаласига асосий мақсад сифатида қараладиган тасаввуф таълимотида инсон ботиний ва зоҳирий олами уйғун илоҳий мавжудот деб талқин қилинади. Девонда айни шу ҳол яққол кўзга ташланади.

Эй дўст, Мухйиддин мегуфт, ки эй ошиқ

Гар ту талабе дори бедорӣ шабҳо гӯ.

Мазмуни:

Эй дўст, сенга айтар бу Мухйиддин ошиқ,

Бедорлик талаб қилсанг, уни доим тунда де.

Ғазалнинг мақтаъсида шоир инсонларга қарата “Эй дўст” деб мурожаат қиласди. Хўш, бу дўст қандай инсон? У қалбида илоҳий ишқ жўш уриб турадиган ошиқ. Яъни, қалбида илоҳий ишқ бўлган инсон авваламбор, ўзига ўхшаган бошқа инсонни севиши, ардоқлаши мумкин ёки ўзига ўхшаган

¹ Баҳоуддин Накшбанд. Аврод. Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н. Наврӯзова. Т.: “Sano-standart”, 2019. 14-б

² Абдулқодир ал-Гилоний. Ғазалиёт. Таржима ва сўнг сўз муаллифи Г.Юнусова. Т.: Мумтоз сўз -2018.-166 б.

³ Абдулқодир ал-Гилоний. Сиррул-асрор. Мактубот. (таржимон: О.Жўрабоев) – Т.: Мовароуннахр, 2005

инсонни севадиган банда Аллоҳни севиши мумкин ва бундай инсон илоҳий-рухий сифатларни эгаллаши мумкин. Байтда шу илоҳий сифатларга эга бўлишни истаган ошиқ талабларни тунда бедор ва огоҳ туриб сўраши лозим дея таъкидланади.

Давр орифларининг саййиди, кейингиларнинг қибласи деган муборак рутба билан шарафланган Шайх Абдулқодир Гилоний тўғрисида Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” тазкирасида бир қатор муҳим маълумотлар келтирилган. Ҳазрат Навоий тариқат раҳбари, ҳақиқат таржимони, зоҳир ва ботин илмларида барча улуг шайхларнинг устози, орифлар йўлбошчиси, соликлар таянчи, раббоний олим Шихобуддин Абу Ҳафс Умар б. Мухаммад Бакрий Суҳравардийнинг шайх Абдулқодир Гилоний сұхбатига эришганлигини қайд этади. Ушбу фикрлар Абдураҳмон Жомий ва Имом Ёфиъий тазкираларидаги маълумотларга асосланган. Шунингдек, тазкирада замонасининг таниқли авлиёуллоҳларидан бири шайх Бақо б. Баттунинг Шайх Абдулқодир Гилонийга ихлос ва эътиқод билан хизмат қилганилиги ҳам баён қилинган.

Шайх Муҳийиддин Арабийнинг эса “хирқалари нисбати бир восита била” шайхга ва яна бир нисбатлари бир восита била Хизр алаҳиссаломга етиши қайд этилган. Тазкирада “оёти зоҳира ва мақомоти фоҳира” соҳиби бўлган Иброҳим ибн Миъсор Жаъбарий ҳақидаги нақлда шайхнинг “Мен дарахт шоҳларида хурсандчилик қилувчи полопонлар булбулиман ва самоларда оқ лочинман”, - деган сўзлари келтирилган. Бу сўзлар Шайх Абдулқодир Гилонийнинг тариқатда эришган ҳол ва мақомини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳазрат Навоий Шайх Абулҳасан Фурайсийнинг тўрт авлиё зотнинг “ўз қабрлариға тасарруф қилурлар, андоқки, ихё қилурлар” деган сўзларини зикр қиласи ва бу зотлар Ҳаёт ибн Қайс Ҳарроний, Шайх Маъруф Қархийдур, Шайх Абдулқодир Гилоний ва бири Шайх Уқайлий Манбижий эканлигини таъкидлаб кўрсатади⁴

Маълумки, тазкирада 35 нафар ориф аёлларнинг ҳам ҳаёт тарзи, кашфу кароматлари зикр қилинган, уч нафар орифа аёллар билан боғлиқ нақлларда бевосита ва билвосита шайх Абдулқодир Гилонийнинг номи тилга олинган.

Нақл қилинишича, Гилонда қурғоқчилик бўлади. Ҳалойиқ истисқо (ёмғир сўраш намози) га чиқадилар, бироқ ёғин ёғмайди. Чорасиз қолган ҳалқ Умми

⁴ А.Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001.

Муҳаммаднинг олдига келиб, ундан ёмғир дуосини тилашади. Шунда Умми Муҳаммад уйининг эшикин супуради ва шундай дейди: Эй бор Худоё, мен супурдум, Сен сув сеп! Оз фурсат ўтгач, ёмғир ёға бошлайди. Мана шу ориф аёл шайх Абдулқодир Гилонийнинг аммаси эди.

Тазкирада Шайх Муҳиддин Абдулқодир Гилоний Жорияи Ҳабашия билан учрашганлигини Навоий қуидагича баён қиласи. Шайх Бағдоддан ҳажга отланади, йўлда унга Шайх Аддий ибн Мусофир унга ҳамсафар бўлади. Йўлда уларга юзига парда тортилган Жорияи Ҳабашия учрайди ва ундан қаердан эканлигини сўрайди. Абдулқодир, Ажамданман, -- деб жавоб қайтаради. Шунда у, бугун мени оғир аҳволга солиб қўйдинг, дейди. Бунинг сабабини сўраган йигит (Абдулқодир Гилоний) га шундай изоҳ беради: бу соат Ҳабаш билодидин эрдим. Манга мушоҳада тушники, Тенгри таоло сенинг кўнглунгга тажалли қилди ва санга атое қилники, бу тойифадин мен билурлардин ҳеч кимга мундоқ ато қилмайдур. Тиладимки, сени кўргаймен. Ва деди: мен бу кун сизинг биламан ва сизинг била ифтор қилурмен. Ва юруди. Ва ул водийнинг бир ёнидин ва биз яна бир ёнидин борур эрдук. Чун оқшом бўлди, кўқдин бир табақ инди, анда олти рағиф сиркаву сабзи била. Жорияи Ҳабашия дедики, Алҳамдулилаҳил лазий акромани ва акрома зойфа – мени ва меҳмонларимни эъзозлаб сийлаган Аллоҳга ҳамд бўлсин!⁵

Шу кеча уларнинг ҳар учовига иккитадан кулча ва уч обдаста сув тушади, сувнинг лаззати шу даража эдики, дунё сувларига асло ўхшамас эди. Шундан сўнг аёл улардан ажралиб кетади.

Маккада тавоғ пайтида шайх Адийяда тажалли, яъни нури илоҳийнинг жилва қилиши юз беради ва у беҳуш бўлиб йиқилади. Уни ўлди деб гумон қиласи... шунда Абдулқодир Жорияи Ҳабашийя унинг тепасида турганлигини ва унга қаратади “Сени бу ҳолга тушириб, ўлдирганнинг ўзи тирилтиради” деганини эшишиб қолади.

Кейин тавоғ пайтида Шайх Абдулқодир Гилонийга тажаллий пайдо бўлади ва у ўзига қаратилган хитобни эшишибади: “Эй Абдулқодир, зоҳир тажридини қўй, тавҳид тафридини лозим тут ва эл нафъи учун ўлтурки, бизга хос бандалар борки, тиларбизки, аларни сенинг илгингда қурбимиз шарафиға еткуурбиз”⁶

⁵ А.Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА. «Фан» нашриёти, Тошкент —2001.492- б

⁶ А.Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА. «Фан» нашриёти, Тошкент —2001.493- б.

Жория шундай дейди: эй йигит, билмасмусанки, бу ниманинг нишонасибур? Агар бошингда нурдан қаср қурубдурлар ва малоикалар осмонгача учеб, сенинг атрофингда айланурлар. Барча авлиёларнинг қўзлари сенинг бу мақомингдан хира тортибдурлар. Ва барчалари шу мақомга етиш орзуисидалар. Шайх шундан кейин Жорияи Ҳабашийя кетганлигини ва уни қайтиб кўрмаганлигини нақл қилган.

Мана шу башоратнинг амалга ошганлиги Шайх Абдулқодир Гилоний муриду асҳобидин бири Имраъатун Исфаҳония билан боғлиқ нақлда келтирилган. Унда шайх кашфу каромат соҳиби, авлиёуллоҳ сифатида талқин қилинган⁷

Инсон маънавий ахлоқий жихатдан покланса, тана ва рух ўртасида уйғунликка эришса, комилликка эришади. Зоҳири – моддий олам, ботини – рухий оламга тегишли бўлган инсон шу икки асосни мувозанатга келтирса, илоҳий сифат касб этади. “Инсон менинг, мен эса унинг сириман” деган эътирофга лойик бўлади.

Мазмун ва шакл, пайдолик ва пинҳонлик оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда муҳим ўрин тутадиган кетегория, инсоннинг шакли унинг пайдолигида бўлса, мазмуни пинҳоний, қўзга кўринмайдиган хислат ва фазилатлардадир. Буни Абдулқодир Гилоний қуйидагича ифодалайди:

Зоту сифату исмам чун халқ ба зоҳир кард,

Ҳар қавну абад бингар кони мазҳар ашё гў.

Мазмуни:

Зоту исмим сифатинг чун халққа зоҳир қилдим,

Абадий ҳар борлиқни кони мазҳар ашё де.

Ҳазрат Навоий эса Аллоҳнинг зоти, сифат ва исмларини Аллоҳ яратган маҳлуқотларда сингдирилганлигини ўзгача бир шакlda бадиий талқин қилганлигини кўрамиз:

Сени топмоқ басе мушкилдуур, топмаслиғ осонким,

⁷ А.Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001. 493-б

Эрур пайдолиғинг пинҳон, vale пинҳонлиғинг пайдо⁸

ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, Абдулқодир Гилоний ва Навоийнинг фалсафий, илоҳий-ирфоний қарашлари муштарак. Ориф зотларнинг олам ва одамни англашларида ўзаро яқинлик мавжуд, улар бевосита ёки билвосита (увайсий) боғлиқ. Нақлларда ёшларимиз тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга фазилатлар: инсон ўз қалбига қулоқ сола олиши, нопок ишлардан ўзини сақлаши, маънавий-рухий камолоти учун қайгуриши билан боғлиқ юксак маънавий-ахлоқий қарашлар илгари сурилган.

REFERENCES

1. А.Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бадойиъ ул-бидоя.ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001
2. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод.Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н.Наврӯзова. Т.: “Sano-standart”, 2019.
3. Абдулқодир ал-Гилоний. Ғазалиёт. Таржима ва сўнг сўз муаллифи Г.Юнусова.Т.: Мумтоз сўз -2018.
4. Абдулқодир ал-Гилоний. Сиррул-асрор.Мактубот. (таржимон: О.Жўрабоев) – Т.: Мовароуннахр, 2005

⁸ А.Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бадойиъ ул-бидоя.ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001.14- 6